

«Қуръони Карим мусобақаси - 1442» танлови якунига етди



22:41 / 16.05.2021 2211

Аввал хабар қилганимиздек, бугун 16 май куни устоз Зайниддин қори Муҳаммад Юсуф хотираларига бағишланган «Қуръон мусобақаси - 1442» танлови қизғин руҳда бўлиб ўтди. Унда 28 нафар финал йўлланмасини қўлга киритган қорилар ўз тиловатлари билан барчанинг эътирофларига сазовор бўлишди.



Шуниси эътиборга молики, мазкур танловни баҳолаш жараёнида таҳрир ҳайъати – устоз қориларга осон бўлгани йўқ. Бир-бирдан иқтидорли қориларнинг қироатидан энг мукаммалини танлаб олиш ниҳоятда қийин кечди. Иштирокчиларнинг қироатига, овозига ва тажвидига диққат қилган ҳолда ғолиблар аниқлаб олинди.

Унга кўра, тиловат йўналиши финал баҳсларида учинчи ўрин соҳиби Ориф Абдуваҳобов 354,5 балл тўплади. Иккинчи ўрин эса 355,75 балл тўплаган Хайруллахон Илёсхонов ва Низомиддин Исмоиловларга насиб этди. 394 балл билан ғолибликни қўлга киритган Муҳаммадворис Йўлдошев энг биринчи ўрин соҳиби деб топилди.

Ҳифз йўналиши баҳслари натижаларига кўра, учинчи ўринни 316,75 балл тўплаган икки қори Абдуллоҳ Абдусатторов ва Муҳаммадали Ҳайитбоевлар эгаллашди. Иккинчи ўринга 342 балл олган Аҳмаджон Ворисов лойиқ кўрилди. Ҳифз йўналишининг мутлақ ғолиби 387,75 балл олган Муҳаммад Иброҳим Каримовга насиб этди. Олий ўрин соҳиби SPARK автомобили билан тақдирланди.



**Muhammadibrohim
Karimov**

MUTLAQ G'OLIB

Шунингдек, мусобақа якунида танлов иштирокчилари ва ғолибларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.



Шу билан «Қуръон мусобақаси - 1442» ўз якунига етди.